

**НОМУСГА ТЕГИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ВИКТИМОЛОГИК  
ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ИЛГОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР  
ТАЖРИБАСИ**

**Хуснидинов Азиз Шавкат ўғли**

*ИИВ Академияси 311-гурух курсанти*

**Аннотация:** Уибу мақолада номусга тегиши жиноятынинг виктимологик профилактикасига берилган тариф ва унинг моҳияти, номусга тегиши жиноятларининг виктимологик профилактикаси бўйича илгор хорижий давлатлар тажрибаси ёритиб ўтилган.

**Калим сўзлар:** жиноятчилик, хорижий давлатлар тажрибаси, номусга тегиши жиноятчилик тушиунчаси, номусга тегиши жиноятчилик омиллари ва профилактикаси

*Annotation: This article describes main features of the activities of the inspector of prevention of rape crimes, experience of foreign countries, norms governing this activity and the practice of their application are analyzed in depth, proposals and recommendations for improvement are developed.*

**Key words:** crime, experience of foreign countries rape crimes, factors and prevention of recidivism.

Дунёдаги ривожланган мамлакатлар ўзининг миллий қонунчилигига инсон хукуқ ва эркинликларини таъминлаш, шахс ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ишончли ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб, шахсни жамиятдаги тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича жиноят қонунчилигига алоҳида нормалар ишлаб чиқган. Хусусан, 2012 йил 1 мартда Россия Федерациясида “Жиноят Кодексига ва Россия Федерациясининг айрим қонун хужжатларига жинсий жиноятларга қарши жавобгарликни қучайтириш мақсадида ўзгаришилар киритиш тўғрисида” 2012 йил 29 февралда 14-ФЗ сонли Федерал қонуни ишлаб чиқилди. Бу қонун билан 14 ёшгача бўлганларга

нисбатан жинсий тажовуз қилғанлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Германия Федератив Республикаси ЖК 14 ёшгача бўлган болалар ва 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўспириналарга нисбатан жинсий ҳаракатларни ажратиб туради. Болаларга нисбатан номусгатегиши 176 бандга муофиқ, ўспириналарга нисбатан эса Германия Федератив Республикаси ЖКнинг 182 бандига муофиқ жиноий жавобгарлик таснифланади. Васийлик остидаги шахсларга қаратилган хатти-ҳаракатлар 174 бандда назарда тутилган. Барча ҳолатларда жинсий ҳаракатлар номусга тегиш деб тушинилади. Голландиянинг жиноий кодекси XIVбўлимда жинсий жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутилади яъни: "жамоат ахлоқига қарши жиноятлар". Голландия Жиноят кодексининг 242-моддасига биноан "зўрлаш" атамаси кенг маънода қўлланилади ва унга зўравонлик ҳаракати ёки бошқа ҳаракат ёки зўравонлик таҳди迪 ёки бошқа ҳаракат билан таҳдиид қилиш, бошқа шахсни танага киришини ўз ичига олган ҳаракатларга бўйсунишга жинсий йўл билан мажбур қилиш. Бундан келиб чиқадики, Нидерландиянинг Жиноят кодексида нафақат зўравонлик ёки ундан фойдаланиш таҳдииди билан жинсий алоқа жинсий зўрлаш жиноятини шакллантиради, шунингдек, агар танага жинсий йўл билан кириб бориш билан тавсифланган бошқа ҳаракатлар содир бўлса, бундан ташқари, жуда кўп бундай усуллар пенетрация рўйхатига олинган. Уларга нафақат зўравонлик ёки ундан фойдаланиш таҳдииди, балки бошқа ҳаракатлар билан таҳдиид ҳам тегишли. Булар жинсий зўрлаш жиноятининг умумий жиноий белгиларининг аломатлари бўлиб, унда ҳар икки жинсдаги шахслар ҳам жинсий алоқада, ҳам "жинсий йўл билан танага киришни ўз ичига олган ёки ўз ичига олмаган" жинсий характердаги бошқа ҳаракатлар учун жавобгар бўлишади. Голландия Жиноят кодексининг 243-моддаси -бу ҳушсиз равишда ёки ақлий этишмовчиликка ёки руҳий касалликка чалинган қаршилик кўрсатишга қодир бўлмаган ёки жисмонан қобилияциз бўлган шахсни зўрлаш аломатларини ўз ичига олган ёки уни кўрсатишга ёки кўрсатишга қодир бўлмаган ёки етарлича қодир емас. берилган масала бўйича ирода ёки қаршилик кўрсатиш. Бу ҳолда гап жабрланувчининг (у) ночор ахволидан фойдаланган ҳолда зўрлаш

ҳақида кетмоқда. Голландия Жиноят кодексининг 244-моддаси ўн икки ёшгача бўлган шахснинг жасадига жинсий йўл билан киришни ўз ичига олган ҳаракатлар учун жавобгарликни назарда тутади. РФ Жиноят кодексида мавжуд бўлган ҳар қандай зўрлаш ҳоллари Голландиянинг Жиноят кодексида ҳам мавжудлигини таъкидлаймиз. Шу билан бирга, Голландиянинг Жиноят кодекси жамоат хавфи нуқтаи назаридан зўравонлик, ундан фойдаланиш билан таҳдид қилиш ёки бошқа шахсга нисбатан содир етилган бошқа ҳаракатларни ўз ичига олган ёки ўз ичига олган ҳолда жинсий йўл билан танага киришни ўз ичига олган ҳаракатларни тенглаштиради. Испания ЖКнинг VIIIбўлими айнан “жинсий эркинликка қарши жиноятлар (178-194-м.)”, Япония ЖКнинг 26-32 боблари шахснинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий эркинлиги, қонуний ҳукуқ ва манфаатларига тажовуз қилишЮқорида қайд қилинган давлатларнинг жиноят қонунчилигига асосан шахс жамиятдаги жинсий эркинликка қарши ҳаракатлар билан боғлиқ жиноятларни содир қилган тақдирда ушбу нормалар асосида жиноий жавобгарликка тортилади. Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигига инсонни турли тажовузларда ҳимоя қилиш, айниқса аёларга ва қизларга нисбатан тазиик ва зўравонниклар масаласига жиноят ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳуқуқий баҳо беришга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан: Ўз.Рес. ЖКнинг 118-моддаси. Номусга тегиш жиноятларининг олдини олиш ва ундан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича кўпгина ривожланган давлатлар, хусусан АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Германия ҳамда МДҲ таркибидаги айrim давлатлар тажрибалари ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Ҳозирда дунёning юздан ортиқ давлатларида номусга тегиш жиноятларнинг олдини олиш бўйича қонунлар қабул қилинган бўлиб, мазкур қонунлар доирасида жамиятдаги низоларни ҳал қилиш, ундан жабрланган шахсларга тиббий, руҳий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус бошпаналар ташкил этиш ҳамда унинг профилактикаси бўйича самарали фаолиятни ташкил этиш механизмлари яратилган. Таъкидлаш керакки, АҚШда 1991 йилда 1994 йилда “Аёлларга нисбатан жинсий тажовузнинг олдини олиш тўғрисида қонун”<sup>84</sup>

(thelawonthe preventionof sexualassaultagainst women) қабул қилинган бўлиб, аёлларга қарши зўравонлик ҳолатларини олдини олишга қаратилган. АҚШда 1999 йили жамиятдаги зўравонлик қурбонлари учун мўлжалланган алоҳида турар жойлар очишни молиялаштириш З бараварга оширилган ҳамда жамиятда зўравонлик ишлатган шахсларни тарбиялашга қаратилган юзлаб дастурлар ишлаб чиқилган. Энг муҳими, АҚШда Адлия ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирилиги ўзаро ҳамкорликда жамиятдаги зўравонликка қарши қаратилган дастурларни ишлаб чиқиб, Адлия вазирлиги таркибида “Аёлларга нисбатан содир этиладиган зўравонликларга қарши курашиш бўлими” ташкил қилинган. АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган 1994 йилдаги “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш ҳақида” ги қонунига асосан миллий “мурожаатлар линияси” ташкил қилиниб, унинг фаолияти кечаю-кундуз мутахассис операторлар томонидан жамиятдаги зўравонликтан жабрланган шахсларга бепул ёрдам кўрсатиш бўйича ташкил қилинган. Зарур ҳолларда таржимон хизматлари ташкил этилиб, оператор қўнғироқни жабрланувчи яшаш худудида жойлашган вақтинчалик яшаш марказлари, улардаги тиббий ва руҳий (психологик) ёрдам олишлари ҳамда юридик маслаҳатлар каби ижтимоий хизматлар кўрсата оладиган бепул бошқармаларига улаб бериши мумкин. Жабрланувчи шахслар миллий тармоқда ташкил қилинган қуйидаги йўналишлардаги ишонч телефонларига қўнғироқ қилишлари мумкин:  
а) жинсий зўравонлик қурбони бўлиши эҳтимоли билан;  
б) зўрлаш, номусга тегиш ҳолатлари ҳақида хабар бериш учун;  
в) болаларга нисбатан кўрсатилаётган шафқатсиз муносабатларга доирмуаммолар бўйича;  
г) зўравонлик қурбони бўлганларга қандай ҳатти-харакатларни амалгашибишлиари бўйича. Бугунги кунда АҚШда жамиятда зўрлик ишлатишни олдини олишга қаратилган чоралар натижасида номусга тегиш жиноятлари сони 21%га, ўз турмуш ўртоғи томонидан турли даражада тан жароҳатлари етказиш ва ўлидирилиш ҳолатлари 59%га камайган. АҚШда зўравонлик қурбонлари учун 1,5 минг марказлар, алоҳида уйлар ташкил қилинган бўлиб, ушбу марказларга зўравонликтан жабрланган шахслар

мурожаат қилишади. Таъкидлаш жоизки ҳозирда АҚШда жамиятдаги зўравонликдан жабрланганлар учун 1,5 мингдан ортиқ кризис марказлар, алоҳида уйлар ташкил қилинган . Ушбу марказларга жинсий эркинликка қаршижиноятлар қурбони бўлган, таҳдидларга учраган, оила аъзолари томонидан калтакланган аёллар, вояга етмаганлар, қариялар мурожаат қилади. Жаҳон жинсий жиноят статистика бўлими ва Жорж Мейсон университетининг маълумотларига қараганда, ҳар уттадан битта америкалик хотин-қизлар жинсий зўравонликка дучор бўлишган. Шунингдек, АҚШда 12 ёшдан 16 ёшгача бўлган қизларнинг 83% турли зўравонликларга дучор бўлишади. Канадада аёлларга зўрлик ишлатишга қарши қаратилган ва тегишли тезкор чораларни кўриш бўйича Коалиция тузилган. Унга асосан Канадада 6 декабрь аёлларга нисбатан зўрлик ишлатишга қарши кураш куни деб эълон қилинган. Канадада жинсий зўравонликнинг олдини олиш бўйича қуйидаги тажрибалар мавжуд: 1) Кризис марказлари ташкил этилиб уларнинг сони кўпайтирилган; 2) Соғлиқни сақлаш вазирлигида жинсий зўравонлик ҳолатларини анализ ва синтез қиласидиган марказ очилган; 3) Мамлакатда жинсий зўравонликнинг салбий жиҳатларини кўрсатувчи 50 дан ортиқ фильмлар тайёрланган ва намойиш қилинган; 4) “Юзма-юз” деб номланган жинсий зўравонликлар ҳолатларини ёритиб борувчи ижтимоий нашр жорий қилинган; 5) Ижтимоий ҳимоя ходимларини тайёрлаш программалари тузилган. Канадада ҳар бир зўрлик аломати алоҳида эътиборга олиниши ва сидқидилдан кўриб чиқилиши таъминаланиши белгиланган. Гап шундаки, жамиятдаги тазииклардан, жинсий зўрликлардан жабрланган ёки шикоят қилган шахсларнинг оилавий турмуш шароити, оилавий аҳволи, жамиятдаги низоларнинг сабаб шароитлари хукуқни муҳофаза қилувчи органлар эътиборидан четда қолмаслиги учун қатъий назорат ўрнатилган. Ушбу сиёsatга асосан федерал даражадаги органлар маҳаллий органлар билан, давлат органлари эса нодавлат органлари билан шу йўналишларда ҳамкорликда фаолият олиб бориши йўлга қўйилган. Буюк британия давлатининг Адлия вазирлиги, Ичқиишлар вазирлиги ва статистика

бошқармасининг 2017 йилдаги “Англия ва Уэльсда жинсий зўравонлик” номли маъruzасида бу давлатда ҳар йили 85 минг одам жинсий эркинликка қарши жиноятга дучор бўлаётганлиги таъкидланган. Шулардан 73 минг нафари хотин-қизлар ва 12 минг нафари эркак ва ўғил болаларни ташкил қилган. Ҳар куни 230 та жинсий зўравонлик содир бўлиб, 16 ёшдан юқори бўлган ҳар бешта хотин-қиздан биттаси турли хилдаги жинсий зўравонликка дучор бўлишган. Англия ва Уэльсда умумий жиноятлар тушиб бораётган бир пайтда айнан жинсий зўравонлик билан боғлиқ бўлган жиноятлар 29%га кўпайган. Бундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида Буюк Британия 2017 йил 22 февралда “Жамиятдаги зўравонлик: Британия кўзгусида” номли қонунни қабул қилган. Мазкур қонун қабул қилинишидан олдин Британия давлатида жинсий зўравонлик масалалари таҳлил этилиб, зўравонликдан биринчи марта жабр кўрган кўпгина аёллар камдан кам ҳолатларда полицияга бориб мурожаат қилишлари аниқланган. Бу эса, аёлларни йиллар давомида жинсий тажовуздан жабрланибяшига олиб келган. Ушбу масалада (Women'sAidEngland) “жинсий зўравонликка қарши курашишда ҳомийлик қиласидиган миллий ташкилот” томонидан тадқиқот олиб борилиб, сўров ўтказилган. Британияда хотин-қизларни зўравонликдан жабрланишларини олдини олиш борасида ишонч телефонлари ҳам мавжуд бўлиб, улар нафақат аёллар ва болаларга балки оилавий муаммоларни ҳал этишга қийналаётган эркаклар учун ҳам фаолият юритади. Шунингдек, Британияда бир неча тилларда жинсий зўравонлик ҳолатларини олдини олиш усуллари ва лозим бўлган ҳаракатлар юзасидан қўлланмалар чоп қилинган бўлиб, ушбу чора ҳам аёллар ҳукуқларини ўз вактида ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Францияда бир қатор аёллар мурожаат қилиши мумкин бўлган марказлар мавжуд бўлиб, уларга мурожаат қилиш учун ишонч телефонига қўнғироқ қилиш амалиёти мавжуд. Агарда, жамиятдаги ҳолат шуни талаб қилса, зўравонлик қурбонига ташкил қилинган уйларга бориб яшаш таклиф қилинади. Биз хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил этарканмиз кўпгина давлатларда “Жинсий жиноятларнинг олдини олиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинганини

кўришимиз мумкин. Бундай қонунлар ривожланган давлатларнинг аксариятида узоқ йиллардан бери самарали амал қилиб, уларда жинсий эркинликка қарши жиноятлардан жабрланганларни ҳимоя қилиш кафолатлари ва тартиб-қоидалари яратилган. Бундай қонун лойиҳасининг янада кенг концептуал асоси 1993 йил 20 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48/104-сонли резолюцияси билан қабул қилинган Аёларга ва қизларга нисбатан зўрлик ишлатилишига барҳам бериш тўғрисидаги БМТ Декларациясида мустаҳкамланган .МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб 2001 йил 15 ноябрда Украинада “Зўравонликни олдини олиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Мазкур қонунда зўравонликни олдини олиш бўйича маҳсус умунижтимоий чоралар белгиланган бўлиб, унга кўра кризис марказлари фаолияти ташкил қилинган. Ушбу марказда зўрликдан жабрланганларга психологик, тиббий, хукуқий ёрдам кўрсатиш, жамиятда зўравонлик содир қилган шахслар рўйхатини юритиш ва уларни ҳисобга олиш, зўравонлик содир этувчи шахслар билан профилактик ишларни олиб боришнинг тартиб қоидалари белгиланган94.Малдова Республикаси ҳам жинсий зўравонлик профилактикаси бўйича етакчи давлатлардан ҳисобланади. Хусусан ушбу давлатда 2007 йил 1 марта “Зўравонликнинг олдини олиш ва уни тўхтатиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Қонуннинг 2-моддасида асосий тушунчалар берилган бўлиб, унда зўравонликка оид 13 та тушунча қайд қилинган. Қайд этиш керакки, кўпгина давлатларнинг ушбу турдаги қонунларида “моддий зарап”, “Руҳий зарап” тушунчалари мавжуд эмас. Ушбу давлатнинг қонунчилигида жамиятдаги зўравонликка оид бўлган тушунчалар шу қонунда батафсил тушунтиришлар берилган. Бундан ташқари, таълимни бошқариш органларини жинсий зўравонликни олдини олишдаги масъулияти ва ваколатлари, шахсни жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиш усуллари ҳамда жабрланганда ариза билан мурожаат этиш тартиблари кўрсатиб ўтилган .Кирғизистон Республикаси 2017 йил 27 апрелда “Зўрлик ишлатишдан ижтимоий-хукуқий муҳофаза этиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилган. Мазкур қонунда хавфсиз жой, маслаҳат-профилактика маркази, ҳимоя

ордери, ижтимоий ёрдам, жамиятдаги зўравонликнинг жисмоний, жинсий, руҳий, иқтисодий турлари, жамиятда зўравонликдан жабрланган шахснинг ҳуқуқлари, майший зўравонликнинг олдини оловчи субъектлар, уларнинг вазифалари, майший зўравонликнинг профилактикаси, ундан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи реабилитация марказлари, уларнинг вазифалари, марказга мурожаат қилган шахсларнинг у ерда вақтинча бўлиш тартиби қонунда белгилан. Айниқса, қонуннинг 1-моддасига асосан зўравонликдан жабрланган шахсларга ҳимоя ордери бериш тартиби белгиланган. Ҳимоя ордери–процессуал юридик ҳужжат жамиятдаги зўрлик ёки унинг таҳдиидан жабрланганларга давлат ҳимоясини таъминлайдиган ва зўрликни содир қилган ёки содир этиш билан таҳдиid қиладиган шахсгамазкур Қонунда кўрсатилган таъсир чоралари кўринишидаги огоҳлантирувдир. Маълумотларга кўра, Қирғизистонда зўравонликлардан 58% аёллар жабрланса, 18% болалар, 13 % қариялар, 7% ини эркаклар ташкилэтади. Тожикистон Республикасида ҳам 2013 йил 19 марта “Зўравонликни олдини олиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Мазкур қонунда зўравонлик турлари, зўравонликнинг профилактикаси билан шуғулланувчи субъектлар, уларнинг вазифа ва ваколатлари, зўравонликдан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатувчи ижтимоий реабилитация марказлари, зўравонлик содир қилган шахслар билан олиб бориладиган профилактик ишлар, жиноятчилик содир қилган шахсларга нисбатан суднинг расмий огоҳлантирувини қўллаш каби чоралар қонун билан белгилаб қўйилган. Грузия Республикасида 2017 йил 4 майда “Жамиятда аёлларга нисбатан зўравонликни тўхтатиш ҳамда ундан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, ушбу давлатда ҳам бу борадаги жиноятчиликлар профилактикаси бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этишга аҳамият қаратилган. Аёларга ва қизларга нисбатан жинсий тажовуз профилактикаси га оид қонунчиликнинг таҳлили асосида айтиш керакки, оиласиий низолар туфайли қўпгина аёллар шундан азият чексада айбдорнинг унга тан жароҳати етказиши ёки бошқа ҳуқуқий оқибатлар келиб

чиқишидан қўрқиб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам сўраб мурожаат этмайди. Шу боисдан, зўравонликларнинг латентлигини олдини олиш учун жиноятчилик содир этувчи шахсларга нисбатан чора кўриш амалиётини кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида, аёларга ва қизларга нисбатан тазийик ва зўравонликнинг барвақт профилактикасини амалга оширишга хизмат қиласди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. <https://lex.uz/uz/> (Normativ hujjatlar bazasi)
2. www.google.com (Butun jahon qidiruv tizimi)
3. <https://aniq.uz/uz> (yangiliklar )
4. <https://uz.wikipedia.org/> (Qidiruv resurslar ba'zasi)
5. <https://cyberleninka.ru/> (Elektron kutubxona)
6. <https://kun.uz/>(yangiliklar)